

ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Эъзога Турсуналиева*Фаргона давлат университети**Тарих факултети ўқитувчиси***Мафтунахон Рахимова****Муҳаббат Ахмедова***Фаргона давлат**университети Тарих факултети**Ижтимоий иш йўналиши талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари, жамиятга таъсири ҳамда унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, эрта никоҳ, репродуктив саломатик, гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари, тадқиқот, зўравонлик, эксплуатация.

Эрта никоҳ ва эрта туғруқ муаммоси инсон ҳуқуқлари масалалари билан узвий боғлиқ. Инсон ҳуқуқлари нуқтайи назаридан ўсмир қизнинг хомиладорлиги-юзга келиш ҳолати ёки сабабларидан қатъи назар унинг ҳуқуқларини чеклайди. Йигит қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустахкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қизларда тўлиқ жинсий аъзоларнинг шаклланиши ва оила қуриш учун рухий тайёр бўлиш 19-20 ёшга тўғри келади. Қизларнинг 15-18 ёшгача турмушга чиқиши, эрта жинсий ҳаёт бошлаши уларнинг соғлигига жиддий зарар келтириши билан бир қаторда хомирани нуқсон билан туғилишига ҳам сабаб бўлади. Вояга етмаган оналардан туғилган болалар ўртасида ўлим ҳолатлари 20-29 ёшдаги оналардан туғилган болаларга нисбатан 50-90 фоизга кўпроқ учрайди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият оила мустахкамлигидан манфаатдор бўлиб, бу борадаги вазифалар мамлакатнинг миллий манфаатлари даражасига кўтарилган. Олиб борилаётган профилактик тадбирлар натижасида қизларни эрта турмушга бериш билан боғлиқ вазият сўнгги йилларда ижобий томонга ўзгарди.

Эрт а никоҳ жуда мураккаб муаммо ҳисобланиб, унинг асосий сабаби таълимнинг аҳамиятини ва қизларнинг келгусидаги ижтимоий рўлининг муҳимлигини тушунмасликдан иборат, яъни уларнинг рўли фақат уй меҳнати ва болалар тарбияси билан чекланмаслиги керак. Эрта никоҳ- камида бир нафари 18 ёшга тўлмаган икки шахснинг расмий ёки норасмий келишуви. Эрта никоҳ иккала жинсдаги болаларга ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи гендр ходисасидир. Одатда эрта никоҳга кирган қизлар сонидан анча кам бўлади. Эр-хотинлик ҳаёти давомида қизлар гендер зўравонлик ва камситилишнинг бошқа шакллари, хомиладорлик ва туғиш пайтида қийинчиликларга дучор бўлади, чунки уларнинг организми хали

бола туғишга тайёр бўлмайди. Қизларнинг эрта никохдан химояланиш ҳуқуқи турли халқаро шартномаларда, жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенсияларда мустаҳкамланган. Юқорида қайд этилган иккала ҳужжат ҳам мамлакатларни миллий қонунчиликда энг кичик ницох ёшини 18 ёш даражасида белгилашга чақиради. Лекин ушбу ҳуқуқий қафолатга қарамай минглаб қизлар 18 ёшга тўлмасдан туриб турмушга чиқмоқда. Эрта турмушга чиққан қиз соғлиқ билан боғлиқ муаммоларга дуч келади, касб-хунарсиз ишсиз бўлишга мажбур бўлади, олий маълумот олиш имконияти чекланади, турмуш ўртоғидан хар томонлама қарамлик хис қилиб яшайди, жамиятда камбағалликни юзага келтиради. Вояга етмаганларнинг хомиладорлиги кўп холларда режасиз бўлиб, бу она ва боланинг саломатлиги учун жиддий оқибатларни келтириб чиқаради. Ўсмир онанинг соғлиғига хавф-хатар, айниқса, қишлоқ жойларида юқори, чунки у ерда соғлиқни сақлаш тизими камроқ ривожланган. Кўпинча вояга етмаганларнинг хомиладорлиги кейинчалик гинекалогик касалликларга сабаб бўлиши билан бтрга у туғруқдаги қийинчиликларга ва бепуштликка олиб келиши мумкин бўлган хавfli аборт билан тугайди. Хар йили ўртача 70 минг нафар ўсмир қиз хомиладорлик ва туғиш асоратларидан вафот этади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, эрта никохлар аксарият холатда рўйхатга олинмайди, шунинг учун ажрим холатида ёш оналар молиявий кўмаксиз қолади. Кўпчилик оилада зўравонликка учрайди, ижтимоий ва ҳуқуқий жихатдан химояланмаган бўлади. Жамият стигматизациясига нафақат никохсиз туғадиган ёш оналар, балки уларнинг болалари ҳам дучор бўлади. Амалиётда вояга етмаган қиз стигмани кўпинча ўзганинг ёрдамисиз енгиб ўтолмайди. Аёл қанча ёш бўлса, хомиладорлик даврида турли паталогик , экстрагенитал хасталиклар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги , суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади. Эрта хомиладорлик кўпинча бола тушиши ёки ўлик туғилиши билан тугайди, бу холат хомиланинг нуқсонли ривожланиши сабабли ҳам она, ҳам бола саломатлигига катта хавфдир. Эрта турмуш ва эрта туғруқнинг ижтимоий-психалогик таъсири ҳам мавжуд бўлиб, у гендер тенгсизлик, қарамлик ва ожизликни кучайтиради.

Эрта хомиладорлик нафақат ёш аёлниг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, балки ёш аёлларнинг таълим олишида, жамиятда ўз ўрнини топишида тўсиқ бўлиб қолмоқда. Таълим қизларни хаётга ва мехнат фаолиятига тайёрлайди, уларнинг ўзига ўзи берадиган бахосини, оила ва жамиятда мақомини оширади ҳамда уларга ўз хаётига тааллуқли қарорларга кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятини тақдим этади. Бундан ташқари, таълим эрта никохларнинг содир бўлиш эхтимолини камайтиради ва хомиладорликни кейинга қолдириш имконини беради, бу эса туғруқларнинг соғлиқ учун кўпроқ ижобий оқибатларига олиб келади.

Жахон банки томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, агар қиз бола эрта турмушга чиқмай, олий таълимдан бахраманд бўлса, даромадли ишга жойлашиш, натижада иқтисодий ўсиш имконини берадиган бир қанча имкониятларга эга бўлади. Баъзи ота-оналар эрта никохни ёш қизларни иқтисодий жихатдан таъминлаш, ғамхўрлик қилиш, балоғат ёшига етгунча жинсий зўравонликдан химоя қилиш усули деб ҳисоблашади. Афсуски, ота-оналар эрта турмуш куришнинг салбий ва зарарли оқибатларини, шу жумладан, бундай эрта ёшдаги хомиладорликнинг ёмон асоратларидан хабардор бўлмайди. Шунинг учун ота-оналарга мажбурий эрта никохнинг зарарли оқибатлари тўғрисида маълумот бериш лозим.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган чора-тадбирлар қизлар томонидан ўзининг таълим, соғлиқ, хавфсизликка бўлган ҳуқуқлари ва зўравонлик, камситиш ва камбағалликдан холи бўлиш ҳуқуқларинг амалга оширилиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиши мумкин. Бундай ёндашувлар ҳукуматлар томонидан ўсмир ёшдаги хомиладорлик сабабларига, шу жумладан, сурункали гендер тенгсизлик, хизматлар ва имкониятлардан нотўғри фойдаланишга барҳам беришга ҳамда эрта никохнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари: муаммо ва ечимлар услубий қўлланма
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсия.
3. Никохга розилик бериш, никох ёши ва никохларни қайд этиш тўғрисидаги Конвенсия.